

## **МУНДАРИЖА:**

- 1. Кириш.**
- 2. Қарз олувчининг қискача тарифи.**
- 3. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.**
- 4. Лойихани амалга оширишда қонуний ва меъёрий хуҗжатлар.**
- 5. Бозор холатининг таҳлили.**
- 6. Ишлаб чиқариш режаси.**
- 7. Ташикилий режса.**
- 8. Молиявий режса.**
- 9. Таваккалчилик ва лойиханинг самарадорлиги.**
- 10. Молиявий натижаси.**
- 11. Пул маблагларини харакати.**

## **1. КИРИЛ.**

Хозирги бозор иктисодиётига утиш шароитида Республикализ хукумати томонидан ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш соҳасини хар томонлама куллаб-куватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор каратилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ошириш, улар томонидан ишлаб чикарилаётган маҳсулотларнинг ракобатбардошлигини таъминлаш учун хукуматимиз томонидан салмокли имтиёзлар хамда молиявий кумаклар берилмоқда. Шу сабабли ушбу имкониятлардан фойдаланган холда тадбиркорлик субъектлари уз фаолиятларини ривожлантириш оркали жамият ва ҳалк манфаатларини кузлаб харакат килмоқдалар. Хозирги кунда маҳсулот ишлаб чикариш хамда хизматлар курсатиш канчалик унумли ва арzon булса, корхона, ташкилот хамда ахолини ушбу маҳсулот ва хизматларга булган талабини кондириш шунча яхши булади. «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти узининг Низомидан келиб чиккан холда айнан давр талабига мос ва бозор шароитини урганган холда курилиш таъмирлаш хизматлари курсатиш оркали даромад топишни уз зиммасига олган. Корхона бу борада купгина ишларни амалга оширишни режалаштирумокда. Жумладан кредит маблаги эвазига сотиб олинадиган курилиш моллари ёрдамида курилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириб мижозларга етказиб бериш замонавий сервис хизматлари курсатиш натижасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан уз фаолиятини ривожлантиришга эришишни таъминлашга каратилган. Бозорни арzon маҳсулотлар билан таъминлаш, ахоли эҳтиёжини кондириш ва ишлаб чикарилган маҳсулотлар, шунингдек курсатилган хизматлар билан бозор шароитида уз урнини топиш имкониятларини излаб топишни хар бир тадбиркор уз олдига максад килиб олиши керак. Хар бир тадбиркорнинг маҳсулоти хамда курсатаётган хизмати канчалик арzon ва сифатли булса хамда бу маҳсулот билан бозорга чикса, маҳсулотини реализациясидан даромад олиб узининг ва жамоасининг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини кондира олса, бу ёш давлатимизнинг равнакига кушган хиссаси хисобланади.

Лойиханинг асосий максади узининг хизмат курсатиш сифатини яхшилаш, кредит маблаги эвазига сотиб олинадиган курилиш моллари эвазига курилиш таъмирлаш ишларини бажариш ва шу оркали уз фаолиятини ривожлантириш, курсатилаётган хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, корхонанинг моддий-техника базасини яхшилаш, шунингдек янги турдаги замонавий усулда хизмат курсатишни ташкил килиш натижасида асосий воситалардан окилона фойдаланиш, истеъмолчиларни ушбу турдаги хизмат курсатиш фаолиятига булган талабини кондириш оркали пировард натижада даромад олиш хамда ундан самарали фойдаланиш хисобланади.

**Хизмат курсатишни ташкил килишни асосий максади:** Вилоятдаги курилиш таъмирлаш ишларига эҳтиёжи булган корхона ташкилот ва жисмоний хамда юридик шахсларга курилиш таъмирлаш хизматлари курсатиш пировардда курилиш таъмирлаш ишларга булган эҳтиёжини кондиришдан иборат.

Ушбу лойихани самарали амалга ошиши натижасида вилоят туманлар ахолисини зарур булган курилиш таъмирлаш хизмати курсатиш билан таъминлаш

имкониятлари яратиладиган замон талабларига жавоб берадиган юкори эфектли хизмат курсатиш ташкил килинади.

Курилиш таъмирлаш хизмати кўрсатиш бозорини анализ килиш натижасида корхона ташкилотлар сонини усишини эътиборга олган холда сифатли ушбу хизмат турига булган талаб катталигини курсатди. Кам транспорт харажатлари, ишчи кучи ва энергия таъминоти, шунингдек замонавий хизмат курсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш имкониятларини хисобга олиш натижасида махсулот сифатли ва арzon булиши кузланган.

### Лойиханинг асосий максади:

- сифатли хизматлар кўрсатиш
- махаллий махсулот ракобатбардошлигини ошириш
- корхона ташкилотларни эҳтиёжларини кондириш

Уtkазилган хисоб китоблар шуни курсатадики, лойиха иктисадий самарали хамда жалб килинган лизинг ресурсларини кайтарилишини таъминлайди.

Ушбу кредит маблагини хизмат курсатишга йуналтирган холда Узбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматимиз томонидан курилиш таъмирлаш ишлари хамда чекка кишлоқ жойларида наъмунавий уй-жойлар курилиш ишларини жадал ривожлантириш борасида чикараётган карор ва фармонларини ижросини бажарилишини таъминлаш юзасидан Хоразм вилояти корхона ташкилотларини курилиш хизматига булган талабни кондириш максадида фойдалинилади.

Махаллий бозорни маркетинг таҳлили шуни курсатадики, вилоятнинг кишлоқ худудларида фаолият курсатаетган корхона ташкилотларда ушбу хизмат турига булган талаб юкорилигини курсатмокда.

## **2. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.**

**2.1. Таъбиркорлик субъектининг номи:** «\_\_\_\_\_»

**2.2. Субъектнинг юридик мақоми:** Маъсулияти чекланган жамияти

**2.3. Таъбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтган вақти:** Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти Урганч шаҳар Хокимининг **20** йил **\_\_\_ № \_\_\_ – сонли** қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

**2.4. Корхона ўзининг тасдиқланган Низоми асосида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:**

- курилиш материаллари, халк истеъмол товарлари ишлаб чикариш олиб келиш, таъмирлаш ва сотиш;

- чакана савдо фаолияти;
- озик-овкат ва ноозик-овкат улгуржи ва чакана савдо хизмати курсатиш;
- спиртли яхна ичимликлар, курилиш материаллари билан улгуржи ва чақана савдо хизмати курсатиш;
- кандолат, кандитер, нон макарон ва бошка маҳсулотлар ишлаб чикириш ва сотиш;
- Яхна ичимликлар, музқаймок ишлаб чикириш сотиб олиш ва сотиш;
- Спорт ва туризм хизматлари курсатиш;
- Компьютер уйинлари, интернет ташкил килиш;
- Компьютер, ксерокс, факс, сканер хизматлари курсатиш;
- Пайнэт хизмати курсатиш;
- Диллерлик ва брокерлик хизматлари курсатиш;
- Телекоммуникация ва алока хизматлари курсатиш;
- Уяли алока тармоги хизмати курсатиш;
- Уяли алока ва интернет карточкаларини чакана сотиш;
- Озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чикириш ва сотиш;
- конунда белгиланган тартибда чет давлатлар ва МДХ давлатлари билан шартномалар асосида узаро манфаатдорликда савдо, тижорат ишлари юритиш;
- Узбекистон Республикасининг конунларига зид булмаган бошка турдаги фаолиятлар билан шугулланиш.

**2.5. Корхона раҳбари:** Каландаров Баходир.

**Паспорт маълумотлари:** CR - \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_  
туман(шахар) ИИБ томонидан берилган.

**2.6. Корхона манзилгохи:** «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти  
Хоразм вилояти Урганч шаҳри Ёшлик кучасида жойлашган.

**2.7. Телефон:** \_\_\_\_\_

**2.8. Мурожаатни қабул қилувчи шахс:** Каландаров Баходир.

**2.8.1. Телефон:** \_\_\_\_\_

**2.8.2. Факс:** \_\_\_\_\_

**2.8.3. Мобил:** \_\_\_\_\_

**2.9. Корхонанинг банк реквизитлари:**

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган  
жамияти хисоб рақами «**ТУРОН банк** Хоразм вилоят булимида очилган.

**2.9.1. X/P:** \_\_\_\_\_

**2.9.2. ИИН:** \_\_\_\_\_

### **2.9.3. МФО: \_\_\_\_\_**

#### **2.10. Корхонанинг ҳозирги вақтдаги амалга ошираётган асосий фаолияти ҳақида таъриф:**

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти бугунги кунда курилиш хизмати курсатиш фаолияти билан шугулланиб келмокда. Ҳозирда уз фаолиятини кенгайтиришга, кушимча даромад олишга интилмокда. Шу сабабли кушимча равишда кредит маблаги эвазига курилиш материаллари сотиб олиб уни хизмат курсатишда бевосита фойдаланган холда темир йул курилиш таъмирлаш фаолиятини ташкил килиш оркали уз фаолиятини ривожлантиришни кузламокда. Ҳозирги кунда корхона ушбу соҳада муайян тажрибага эга булган холда уз ишини кенгайтиришга эҳтиёж сезмокда. Бунинг учун ушбу корхонада ҳозирги кунда уз мулки хисобланган зарур булган барча мухандислик коммуникациялари билан таъминланган дастгоҳ ва ускуналар, малакали мутахассислар мавжуд. Корхона ҳозирда самарали фаолият курсатаётган хамда баркарор ривожланаётган хужалик юритувчи субъектлардан биридир.

Корхонанинг мол-мулклари Устав фондига туланган бадаллардан, хужалик фаолиятини юритиш натижасида ишлаб чикарилган маҳсулотлардан, олинган даромадлардан, шунингдек Узбекистон Республикасининг конунчилги йул куядиган асосларга мувофик булинган бошка мол-мулклардан ташкил топган. Корхона узининг хужалик фаолияти натижасида оладиган фойда амалдаги конунчиликка биноан соликлар тулангандан кейин жамият тасарруфида колади ва ундан амалдаги конунларга, ушбу Уставга мувофик жамиятнинг фондларини вужудга келтиришда фойдаланилади.

Корхона утган давр мобайнида яни 2009 йил давомида \_\_\_\_\_, \_\_ минг сумлик товар айланмаси килган булиб, шундан харажатлар микдори \_\_\_\_\_, \_\_ минг сумни ташкил килгани холда \_\_\_\_\_, \_\_ минг ялпи даромад килган.

2010 йил давомида \_\_\_\_\_, \_\_ минг сумлик товар айланмаси килган булиб, шундан харажатлар микдори \_\_\_\_\_, \_\_ минг сумни ташкил килгани холда \_\_\_\_\_, \_\_ минг ялпи даромад килган, барча соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулагандан кейин йилни \_\_\_\_\_, \_\_ минг сум соғ фойда билан якунлаган. Бу эса корхонанинг ҳозирги кунда баркарор ривожланаётганлигидан хамда самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради. (корхонанинг Форма-1, Форма-2 хисоботлари нусхалари илова килинади).

Юкоридагилардан куринаники корхона банкдан олинадиган кредит маблагидан ташкари ушбу лойихани амалга оширишда уз улуши хисобидан хам молиявий пул маблаглари билан иштирок этади. Бунинг натижасида эса ушбу лойиха самарали равишда амалга ошишида мустахкам замин ҳозирлайди.

Корхона ҳозирги кунда юкоридаги турдаги хизмат курсатишни амалга ошириш хукукини берувчи барча мувофиклик сертификатлари ва маҳсус лицензияларни олган холда фаолият курсатишни кузлаган. Бу эса уз навбатида олинган лизинг маблагидан самарали фойдаланган холда айланма маблагни купайтиришга уз навбатида жамият фаолиятини ривожлантиришда мухим ахамият касб этади.

Корхона ташкил этилгандан бери турли мулк шаклидаги товар ишлаб чикарувчи корхоналар, фирмалар, хусусий тадбиркорлар билан алоказалар урнатилди.

Корхона ташкил этилишига кадар, бевосита ишлаб чикарувчилардан хамда биржা оркали харид килишда олдиндан туловни амалга оширишда кийинчиликлар булгани сабабли, куп холларда зарур курилиш ишларини бажариш имконияти чекланган эди. Хозир корхона томонидан бу муаммо тулик хал килиниб, хизматлар уз вактида харид килинаяпти ва истемолчиларга тулик хажмда етказиб берилди. Шуни хисобидан молиявий баркарор, ишончли курилиш хизматига эхтиёжи булган корхона ташкилотлар ва ахолига олдиндан 30 фоиз тулов асосида етказиб берилмокда. Бу уз навбатида хизмат курсатиш корхоналарини курилиш хизмати курсатиш хажмини ошириш, фаолиятини кенгайтириш, ахолини зарур маҳсулотлар билан узликсиз таъминлашда мухим омил булмокда.

### **3. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ЙЎНАЛИШИ.**

**3.1. Лойиханинг асосий мақсади:** «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти ўзининг тасдиқланган Низоми асосида вилоятдаги корхона ташкилотларга темир йуллар курилиши ва таъмирлаш хизмати курсатиш фаолияти билан шуғулланиб корхона ва ташкилотларга сифатли хизматлар курсатиш эвазига замонавий сервис соҳасинини амалиётда куллаш оркали уз фаолиятини амалга оширишни режалаштирган.

Бугунги кунда ўзининг белгиланган фаолият турига асосланиб, корхона ташкилотлар ҳамда давлат идоларига темир йуллар курилиш таъмирлаш хизмати курсатиш фаолиятига эхтиёжи булган ташкилотлар учун темир йул курилиш таъмирлаш хизмат кўрсатиб, корхона ташкилотларга арzon ва сифатли хизматларни етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 16 фоиз бўлган 100,0 млн.сўм пул маблафини кредитга олиб иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 130,0 млн сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин Жамият ўзининг хозирги кундаги имкониятидан хамда Узбекистон Республикаси Банклари томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 16 фоизли ставка бўйича 100,0 млн.сўм микдоридаги кредит маблафини 2 йил муддатга олиш зарур деб хисобламоқда.

Буларга қўшимча ушбу фаолиятни ташкил қилиш билан бир қаторда Жамиятда 5 та янги ишчи ўрни яратишни хам мақсад қилган.

### **3.2. Корхона томонидан 1 ой мобайнида таклиф қилинадиган хизмат курсатиш хажми:**

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти томонидан юкоридаги кредит маблаги эвазига курилиш материаллари сотиб олиниб темир йул курилиш таъмирлаш фаолиятини ташкил қилиш кузланган. Бир ойда ушбу хизмати курсатишдан 77754,6 минг сум товар айланмаси амалга оширилиши кузланган.

### **3.3. Кредит маблагларни лойиха бўйича сарфланиши:**

<i>№</i>	<i>Маблағларни сарфланиши йўналишлари</i>	<i>Жами баҳоси (минг сумда)</i>
<b>1.</b>	<b>Кредит маблағи хисобидан:</b>	
	1.1. Курилиш материаллари сотиб олиш	100 000,0
	1.2.	
<b>2.</b>	<b>Кредит маблағи умумий суммаси:</b>	<b>100 000,0</b>
<b>3.</b>	<b>Уз маблағи хисобидан:</b>	
	2.1. курилиш таъмирлаш ишларини бажаришда бошқа харажатлар	30 000,0
<b>4.</b>	Бошқа маблағлар хисобидан:	
	<b>Лойиханинг умумий баҳоси</b>	<b>130 000,0</b>

### **3.4. Лойиханинг узини ўзи қоплаши муддати:**

Ушбу кўзланган режани юқорида кўрсатилганидек 1 ой давомида темир йуллар курилиш таъмирлаш хизмати курсатишдан сотищдан 77754,6 минг сумлик хизматлар курсатилса тушган маблағдан барча сарф харажатларни олиб ташлаб (яъни хом-ашё сарфи, коммунал харажатлар, амартизация харажатлари, иш хақи ва унга ажратиладиган ажратмалар, солиқ тўловларини) хисоблагандан лойиха 2 йил давомида ўзини ўзи қоплайди.

### **3.5. Лойиха мазмуни:**

Хоразм вилоят Урганч шаҳрида жойлашган «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган фаолият хозирги кунда энг мухим булган хизмат курсатиш ва ундан даромад олишдан иборат. Корхона томонидан ушбу хизмат курсатишни йулга куйиш товарайланма хажмига караб бир суткада хизмат курсатишдан жами булиб 3239,8 минг сумлик, бир ойда 77754,6 минг сумлик ва бир йилда 933055,3 минг сумлик хизматлар курсатишни уз ичига олади.

**Изоҳ:** «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти ушбу кўзланган мақсадни банқдан кредит маблагини олгандан кейин амалга оширади.

Булардан ташқари хизмат курсатиш фаолиятини ривожлантиришда сотиб олинадиган бошқа керакли харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширишни мақсад қилган.

### **Курсатиладиган хизматлар рўйхати:**

- ◆ Темир йул курилиш таъмирлаш ишларини бажариш;

## **4. ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚОНУНИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР.**

4.1. Лойихани амалга оширишда олиниши зарур бўлган лицензия ёки рухсатнома тури:

Корхона ушбу фаолиятни амалга ошириш учун Республикадаги амалдаги конунчиликга асосан тегишли равишда лицензияларни олгандан кейин фаолият юритиши кўзланган.

Корхонанинг асосий фаолият тури курилиш ишларини бажариш учун лицензия талаб килинмайди.

## **5. БОЗОР ҲОЛАТИ ТАХЛИЛИ.**

Махаллий бозорни тахлил килиш буйича утказилган тадқикодлар шуни курсатадики, Хоразм вилояти буйича бугунги кунда курилиш корхона ташкилотлар кўпайиб бораётгани ва давлатимиз томонидан курилиш фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис курилиш таъмирлаш изматларига булган талаб юкори даражада эканлигини курсатмоқда. Булардан ташкари курилиш хизмати курсатишга талаб жуда катта булаётгани барчамизга маълум, чунки бугунги кунда вилоятимизда катта ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан туманларда ёш оиласлар учун уйжойлар курилиши, янги мактаб ва коллежлар курилиши, эски медицина пунктлари таъмирланиб янгилари курилаётгани буларга мисол була олади. Ушбу турдаги истеъмол товарларига булган талабни ва вилоят ахолиси сонини инобатга олган холда корхоан уз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Маълумки, хозирги бозор иктисадиётига утиш шароитида Республикамизда ахолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларга кенг имкониятлар яратиш давр талаби булиб бормоқда. Жамият хам айнан давр талабига мос ва бозор шароитини урганган холда корхона ташкилотларга курайлик яратиш максадида улар учун зарур булган курилиш таъмирлаш хизмати курсатиш фаолиятини амалга оширишни уз зиммасига олган. Жамият бу борада купгина ишларини амалга оширишни режалаштирумокда. Ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш, истеъмолчиларни юкори сифатли хизмат курсатишга булган талабини кондириш, замонавий сервис соҳасини ривожлантириш, замонавий технологиялар билан жихозланган холда намунали хизмат курсатиш асосий максад килиб олинган.

Жамият курсатиладиган хизматлар нархини бошка ташкилотларда курсатиладиган хизматларга караганда 10-15% арzon булиши билан ажралиб туради.

Мавжуд хизмат курсатиш потенциалини мавжудлиги, малакали ишчи ходимларнинг етарлилиги, мижозларнинг минтакада мавжудлиги курсатилаётган хизмат таннархини нисбатан арzon булишини таъминлайди, бу эса уз навбатида олинадиган даромаднинг юкори булишига олиб келади. Бу эса уз навбатида жамиятда курсатиладиган хизматнинг бир маромда боришини, товар айланмасини купайишини, пировардида эса олинадиган даромаднинг юкори булишини таъминлайди. Корхона курсатилган хизмат нархини шартномалар асосида пул утказиш йули билан хамда

нақд пул билан хисоб-китоб килиш оркали вилоятдаги мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиккан холда нарх белгилаш оркали фаолият курсатишни кузлаган.

## ***Маркетинг стратегияси***

Хозирда курилиш тъмирлаш хизмати курсатиш соҳаси корхоналари жуда каттиқ ракобат асосида янги бозор талаблари шароитида ривожланмокдалар. Улар уз олдилариға янги муаммолар ва вазифалар күймокдалар, бу хам булса ички ва ташки бозорда корхонани тугри ривожланиш стратегиясини топиш ва танлаш, уни самарали ва баркарор ривожланишиши учун бозорда узининг мухим урнига эга булишни тъминлашдан иборат.

Бозор шароитида корхонани тугри ривожланиш йулини танлашда маркетинг мухим ахамиятга эга. Хозирги кунда купчилик махаллий корхоналар бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин истеъмол бозорида кандай килиб уз урнини эгаллаш хакида уйлашлари лозим. Шу сабабли улар учун маркетинг усуслардан самарали фойдаланиш учун узлари ишлаётган бозорни чукур урганишлари зарур.

Бозорни урганиш ва тадбиркорларни илгор тажрибалари шуни курсатмокдаки, хизмат курсатишни ташкил килишда хамма вакт бозор конъюктурасини урганиб бориш зарур. Лойиха ташкилотчилари қуидаги тадбирларни амалга оширишни режалаштирганлар:

\*йирик масштабли савдолар булиб утадиган регионларда узларининг филиал хамда бўлимларини очиш.

\*хамкорлар излаш ва контрактлар тузиш эвазига сотиш структурасини урганиш.

\*максадли актив реклама компаниясини утказиш.

Хозирги кунда корхона уз ишини кенгайтириши, айланма маблагни купайтириш, янгидан ишчи уринларини ташкил килиши, шунингдек хизматлар курсатиш қуламини кенгайтиришга эхтиёж сезмоқда. Бу эса корхонага асосий воситаларни сотиб олиш ва шу оркали ахоли ва корхоналарга юкори сифатли хизмат курсатиш фаолиятини йулга куйиш имконини беради. Бу уз навбатида курсатилаётган хизматни яхшилаш, ахолининг ушбу соҳага булган эхтиёжларини кисман булсада кондириш имконини берибгина колмай, курсатилаётган хизмат таннархининг арzon булишига ва асосийси қушимча янги ишчи уринлари яратишга хизмат килади.

Корхона бу борада купгина ишларини амалга оширишни режалаштирумокда. Тумандаги истеъмолчиларнинг эхтиёжини кондириш, курсатилаётган хизмат ва бажарилаётган ишнинг сифати ошириш билан бозор шароитида уз урнини топиш имкониятлари излаб топишни хар бир тадбиркор уз олдида максад килиб олиши керак. Хар бир тадбиркорнинг курсатаётган хизмати ва бажараётган иши канчалик арzon ва сифатли булса бу давлатимизнинг иктиносидий равнакига қушган хиссаси хисобланади.

Хозирги кунда иктиносидиётнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги, ахоли турмуш фаровонлигини ошганлиги, янги замонавий мулкдорларнинг асосий бугини хисобланган тадбиркорлик субъектларининг купайиши ушбу маҳсулотлар ва хизматларга булган талабни янада оширмокда. Шу сабабли корхона ушбу

эхтиёжлардан келиб чиккан холда юкоридаги маҳсулотларни арzon нархларда ва сифатли тарзда етказиб беришни ва ундан даромад олишни режалаштиримоқда.

### **5.1. Корхонага асосий маҳсулот етказиб берувчилаr:**

Фирма номи ва манзили	Жамият маҳсулот етказиб берувчидан нима сотиб олиши	Тўлов шартлари
<b>Республикадаги ва минтақадаги қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланувчи корхона ташкилотлар</b>	Курилиш материаллари	Тўлов маҳсулот етказиб берилгандан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **5.2. Бозор ҳолати таҳлили:**

Жамият томонидан курсатиладиган хизматларга бугунги кунда талаб жуда катта, чунки бугунги кунда вилоятимизда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, туманларда қолаверса Урганч шахарида хам янги колледжлар, эски мактабларни реконструкция қилиш ишлари, туманларнинг қишлоқ жойларида янги замонавий медицина пунктлари, туман (шахар) марказларида хам ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз ахолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш оиласарга катта эътибор қаратилмоқда. Шуларга асосан хозирда вилоятимизда ёш оиласар учун кўп қаватли домлар қурилиш ишлари деярли барча туман (шахар)ларда амалга оширилмоқда.

Шулар билан бир қаторда ёш оиласарга ўзларида мавжуд биноларни, яшаш жойларини реконструкция қилишга яъни капитал таъмирлашга хам республикамиз банклари томонидан кредит маблағлари ажратилмоқда.

Булардан қўшимча жамият жойлашган туманга энг яқин 3 та туманда (яъни Бофот, Урганч ва Янгиарик туманлари) темир йул қурилиш таъмирлаш хизмати курсатиш корхоналари мавжудлиги, ахоли ва идора ташкилотларнинг ушбу хизмат турига бўлган талаби ва курсатиладиган хизматлар нархлари юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Туманларнинг темир йул қурилиши ва қурилиш таъмирлаш ва хизматига бўлган талабига келсак юқорида айтиб ўтилганидек ушбу туманларнинг барчасида ёш оиласар учун туман банклари томонидан ипотека кредити хисобига берилиши кўзда тутилган кўп қаватли домлар қурилиш ишлари яқин кунларда бошланиши режалаштирилган.

**5.2.1. Мижозлар.** Жамиятнинг асосий мижозлари вилоятдаги ва тумандаги қурилиш фаолиятига эхтиёжи булган корхона ташкилотлар ва юридик шахслар хисобланади.

**5.2.2. Рақобатчилар.** Жамиятнинг асосий рақобатчилари туманда хамда вилоятда жойлашган давлат ва хусусий қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

### *5.2.3. Бозор имкониятлари.*

Хоразм вилояти Узбекистон Республикасининг шимолий гарбидаги жойлашган. Ер майдони 6,1 минг кВ.км ни ташкил этади ва Узбекистон худудининг 1,4 фоизини эгаллади.

Фойдаланиладиган ер майдони 250,0 минг гектар. Вилоят ахолиси 1 370 минг киши, меҳнат ресурслари сони 663 минг киши.

Ахолининг 21,9 фоизи шаҳарда, 78,1 фоизи кишлопларда яшайди.

Хоразм вилояти маъмурий худудий тузилиши буйича 10 та туман ва Урганч шаҳрига ажратилади.

Булар уз навбатида: 101 кишлоп фуқаролар йигини, 612 ахоли пунктлари, 3 та шаҳар ва 7 та шаҳар типидаги шаҳарчаларга булинади.

Вилоятда хозирги кунда 27 та йирик саноат корхоналари фаолият курсатаётган булиб, шундан 13 таси енгил саноат корхоналариидир.

Автомобиль йулларининг узунлиги 2296 км, шундан каттиқ коплами йуллар 2218 кмни ташкил килади.

Вилоятда асосан аграр соҳа ривожланган булиб, йилига 280-290 минг тонна яъни, республикада етиштирилаётган пахта хом-ашёсининг 7 фоизини ишлаб чиқаради.

Сунгги йилларда вилоятда енгил саноат ва озик-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланди.

2010 йилнинг 1 январ холатига вилоятда оптималлаштиришдан сунг 10276 та фермер хужаликлари фаолият курсатмоқда. Уларга ажратилган жами ер майдони эса 242,3 минг гектарни ташкил килади.

Бозор имкониятлари ушбу кўрсаткичлардан келиб чиқкан холда аникланди.

Вилоятда юк ташиш хизматига булган талаб жуда катта булиб, ушбу хизмат курсатиш фаолиятини йулга қўйиш вилоятдаги потенциал истеъмолчиларни хамда ундан ташкаридаги мижозларга мулжалланган булиб, уни утказиш имкониятлари мавжуд.

### *5.2.4. Корхонанинг бозорда ўз ўрнини топишси.*

Корхона вилоятдаги бошқа хизмат курсатувчи корхоналаридан фарқли равиша курсатиладиган хизматлар нархларни арzonлаштириб ва сифатини яхшилаш хамда мижозларга тулайдиган маблаги эвазига сифатли хизмат курсатиш орқали ўзининг доимий равищдаги мижозларига эга бўлишни ва бозорда ўз ўрнини топишни режалаштирган.

*5.3.3. Курсатиладиган хизмат нархини бошқа корхона ташкилотлардаги нархлар билан солиштирма таҳлили.*

## **6. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ РЕЖАСИ.**

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти олинадиган лизинг маблағи хисобига 100000,0 минг сўмлик қурилиш материаллари сотиб олишни режалаштирган.

**Изоҳ:** Корхона ушбу мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяди.

### **ХИЗМАТ КҮРСАТИШ РЕЖАСИ.**

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти кредит маблағи хисобига сотиб олинадиган қурилиш материалларини темир йуллар қурилиши ва таъмирлаш учун ишлатишни мақсад қилиб қўйган.

Жамият ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш хажмини қуидагича белгилайди:

#### **МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ХАЖМИ.**

№	Лойиха мақсади	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 Ойда*
1	Темир йул қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш	минг.сум	3 239,7	77 754,6
2				

\* Жамият хар ойда 24 кун хизмат курсатишни амалга оширади.

## **7. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ.**

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти хозирда 15 та ишчи хизматчи ишлаб келмоқда, булар раис ва бош ҳисобчи ҳамда ишчи хизматчилар.

Жамият ўз олдига қўйган мақсадни яъни лойихани амалга оширса корхонада яна 5 нафар янги ишчи ўрни яратилади.

### **ИШ ҲАҚИ ФОНДИ.**

(минг сумда)

№		Ишчи урни	Иш хақи	1 ойда	1 йилда
Бошқарув аппарати ходимлари					

<b>1</b>	Раҳбар	1	200,0	200,0	2400,0
<b>2</b>	Хисобчи	1	180,0	180,0	2160,0
	<b>Жами иш хақи</b>	<b>2</b>		<b>380,0</b>	<b>4560,0</b>
<b>3</b>	Иш хақи жамгармасидан 25% ажратма			95,0	1140,0
	<b>Иш хақи учун жами харажат</b>			<b>475,0</b>	<b>5700,0</b>

<b>№</b>		<b>Ишчи урни</b>	<b>Иш хақи</b>	<b>1 ойда</b>	<b>1 йилда</b>
<b>Курилиш хизмати курсатувчи ишчи ходимлари (курувчилар).</b>					
<b>4</b>	Ишчи ходимлар	20	180,0	3600,0	43200,0
<b>5</b>	Иш хақидан ажратма 25 %			900,0	10800,0
-	<b>Иш хақи учун жами харажат</b>			<b>4500,0</b>	<b>54000,0</b>
<b>Жами иш хақи учун харажати</b>		<b>22</b>		<b>4975,0</b>	<b>59700,0</b>

## 8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти ўз фаолияти давомида курсатилган темир йул курилиш таъмирлаш хизматларини сотишдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми жамиятнинг даромади хисобланади.

Курсатиладиган курилиш таъмирлаш хизматлари таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа кутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

## БОШҚА ХАРАЖАТЛАР.

Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва

белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар курилиш хизмати курсатишда жами таннархнинг 0,5 % ни ташкил килади.

## **БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ.**

Бошқарув харажатлари 5.700.000 сўмни ташкил қиласи 1 йилига.

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	(сўмда)
					1 йилда
1	Бошқарув харажатлари	сўм	19 791,6	475 000	5 700 000

## **9. ТАВАККАЛЧИЛИК ВА ЛОЙИХАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.**

### **9.1. Техник таваккалчилик:**

Таваккалчиликнинг асосий белгилари асосан хизмат курсатиш биносини таъминалаб булиб колиши, хом-ашёлар етказиб беришдаги узилишлар хамда маҳсулот сифатини бузилишида кузатилади.

Кутилаётган техник таваккалчилик инвентар ва жихозларни ишдан чикиши, сифатсиз маҳсулотдан сакланиш ва бошталар.

Кутилаётган техник таваккалчиликни олдини олиш чора тадбирлари. Хизмат курсатишни бир маромда кетишини учун маҳсулот етказиб берувчилар билан узок муддатли шартномавий хамкорликни йулга қўйиш, малакали ходимларининг мавжудлиги, маҳсулот сифати ва нархига алоҳида эътибор килиниши. Шунингдек хом-ашёлардан узилишлар булмаслиги учун зарур булган материалларнинг омборхонада етарли микдорда булиши хамда минтакадаги талаб ва таклифни куллаган хамда маркетинг изланишлари олиб борган холда савдо хизмати курсатишни бир маромда булишини таъминлаш.

### **9.2. Молиявий таваккалчилик.**

Таваккалчиликнинг асосий белгилари корхона хисоб рақамида маблағ бўлмай колиши ва хом-ашё етказиб бериш хамда хизматлар курсатишда узилишлар бўлиши.

Кутилаётган молиявий таваккалчиликни олидини олиш чора тадбирлари. Корхона хар оиги даромадидан 10 % маблағини кутилаётган молиявий таваккалчиликка захиралаб қўйиши кўзланган.

### **9.3. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги таваккалчилик.**

Таваккалчиликнинг асосий белгилари мижозларнинг йўқлиги ёки камлигига, шунингдек маҳсулотларни омборхоналарда туриб колиши.

Курсатилган хизматни таваккалчилигини олдини олиш чора тадбирлари. Бошқа хизмат курсатувчилардан фарқли хизмат нархларини минтакадаги талаб ва талифдан келиб чиккан холда маркетинг изланишлари оркали кескин камайтирилганлиги ва

курсатилаётган хизмат сифатини ошириш хамда яхшилаш орқали мижозларга эга бўлиш.

Лойиханинг самарадорлиги шундаки, лизинг маблаги эвазига сотиб олинадиган курилиш материалларини бевосита хизмат курсатишга йуналтирилиб ушбу жараёнга жалб килинганлиги боис юкоридаги курсаткичларга кура ижобий натижаларни беради.

Корхона хозирги кунда лойиханинг бажарилиши самардорлигига эришиш максадида истеъмолчиларга намунали хизмат курсатишни максад килиб олган.

## **10. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.**

### ***Темир йул курилиши таъмирлаши хизмати курсатилиши ташархи:***

№	Харажатлар	ул.бир	1 кунда сумда	1 ойда м.сумда	1 йилда м.сумда
1	Бажариладиган иш учун кетадиган курилиш материаллари	сум	2 500 000	60000,0	720000,0
2	Амартизация харажатлари	сум	0,0	0,0	0,0
3	Иш хаки харажатлари	сум	150000	3600,0	43200,0
4	Иш хакидан ажратма 25 %	сум	37500	900,0	10800,0
5	Бошкарув харажатлари	сум	19791,7	475,0	5700,0
6	Бошка харажатлар (жами таннархнинг 0,5%)	сум	13536,5	324,9	3898,5
7	Транспорт харажатлари (жами таннархнинг 1%)	сум	27072,9	649,8	7797,0
8	<b>Жами харажат</b>		<b>2 747 901</b>	<b>65949,6</b>	<b>791395,5</b>
9	Бажариладиган ишнинг сотиш баҳоси (курилиш ташкилоти харажатлари 17,9% кушилган холда)		3239775,3	77754,6	933055,3
10	<b>Фойда</b>		<b>491 874</b>	<b>11805,0</b>	<b>141659,8</b>
11	Товар айланмасидан 6% солик		194 386,5	4 665,3	55 983,3
12	<b>Соф фойда</b>		<b>297 488</b>	<b>7 139,7</b>	<b>85 676,5</b>

***Жамиятнинг 100000,0 минг сўм кредит маблагидан  
2 йил муддатга фойдаланиши  
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ.***

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1 йилда</b>	<b>2 йилда</b>	<b>Жами 2 йилда</b>
1.	Хизмат курсатиш таннархи	933055,3	933055,3	1866110,6
2.	Курсатилган хизматни сотишдан тушум	791395,5	791395,5	1582791,0
3.	<b>Ялпи даромад</b>	<b>141659,8</b>	<b>141659,8</b>	<b>283319,6</b>
4.	Товай айланмасидан солиги 6%	55983,3	55983,3	111966,6
5.	Кредит фоиз қайтарилиши	13714,3	4952,4	18666,7
6.	Кредит маблаги қайтарилиши	42857,1	57142,9	100000,0
7.	<b>Соф фойда</b>	<b>29105,1</b>	<b>23581,2</b>	<b>52686,3</b>

## Х У Л О С А .

Ушбу лойихани амалга оширишда корхона томонидан вилоят бозоридаги хамда якин регионлардаги бозорлар атрофлича анализ килиб чикилди. Юкорида курсатилган молиявий натижаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, темир йул курилиши хизмати курсатиш жараёнида фойдаланиладиган маҳсулотлар ички ва ташки бозордаги холати, хом-ашё материалларни етказиб бериш, сотиш бозори, бозорга шунга ухшаш хизмат курсатувчи ракобатчиларнинг холати, хамда бошка факторларга асосланиб ушбу лойиха самарали амалга оширилади деб хулоса килиш мумкин.

Ушбу курсатиладиган хизматлар учун керакли микдорда хом-ашё билан таъминлаш имкони мавжудлиги, замонавий технологиялар билан жихозланганлиги, малакали кадрларнинг мавжудлиги, курсатилаётган хизматларнинг арzon ва сифатлилиги, юкори ликвидлиги лойихани оқилона тарзда амалга ошишига имконият яратади.

*Ушбу хизмат курсатишни йулга куйши:*

- янги ишчи уринларини ташкил килиш
- ишлаб чикариладиган маҳсулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш:
- замонавий сервис хизмати курсатиш маданиятини олиб кириш:
- ушбу маҳсулотларга булган талабни кондириш вазифасини хал килади.

Булардан ташкари, замонавий инвентарлар ва ускуналар ёрдамида ушбу курилиш таъмирлаш хизмат курсатиш фаолиятини ташкил килиш киска муддатларда корхона томонидан олинадиган даромадни нафакат ошишига, балки кейинчалик хизмат курсатишни ёки мавжуд хом-ашёлар ёрдамида янгидан ташкил килишга замин хозирлайди.

Юкоридаги хизматлар буйича утказилган анализ шуни курсатмоқдаки, ушбу хизматлар бозорда юкори талабга эга. Вилоят ахолиси сонининг усиши, ушбу билан

боглик равишда курилиш фаолиятига булган талабни ошиши курсатиладиган хизматларни сотиш йилдан-йилга ошиб боришини таъминлайди деган хulosани чикаришга имкон яратади.

Шундай килиб «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти томонидан 100000,0 минг сум микдоридаги кредит маблагидан 16 % йиллик хисобидан 2 йил фойдаланиш натижасида 1866,1 млн сумлик курилиш таъмирлаш хизмати курсатилади. Утган молия йили мобайнида хизматлар таннархидан кейин 283319,6 минг сум даромад олинади. Хамма мажбурий туловлар, соликларни тулагандан кейин жамият хисобида кейинги фаолият учун 52686,3 минг сум соф фойда колади. Бу унинг келгуси ишларига асос булиб, жамият ишини янада ривожлантириш, янгидан ишчи уринлари очиш, хизмат курсатиш сифатини яхшилаш хамда асосий воситаларни сотиб олишда хизмат килади.

Олинган кредит маблаги тулик кайтарилигандан кейин колган фойда жамиятнинг айланма маблагига келиб кушилишини хисобга олсак, кейинги йилларда жамиятни молиявий имконияти, яъни оладиган даромади янада салмокли булишни куришимиз мумкин.

*(кредит маблагини кайтариши графиги илова килинади)*

«\_\_\_\_\_»

маъсулияти чекланган жамияти раиси:

\_\_\_\_\_

*(имзо, муҳр)*

**Жамиятнинг 100000,0 минг сўм кредит  
маблагини кайтариши  
ГРАФИГИ.**

Ойлар	Ой бошига колдик	1 ойлик даромад	Кредит асосий суммаси колдиги	Кредит суммаси кайтиши	Кредит фоиз кайтиши	Жами тулов	Ой охирига колдик
1	0,0	7139,7	100000,0	0,0	1333,3	1333,3	5806,4
2	5806,4	7139,7	100000,0	0,0	1333,3	1333,3	11612,7
3	11612,7	7139,7	100000,0	0,0	1333,3	1333,3	17419,1
4	17419,1	7139,7	100000,0	4761,9	1333,3	6095,2	18463,6
5	18463,6	7139,7	95238,1	4761,9	1269,8	6031,7	19571,6
6	19571,6	7139,7	90476,2	4761,9	1206,3	5968,2	20743,0
7	20743,0	7139,7	85714,3	4761,9	1142,9	5904,8	21978,0
8	21978,0	7139,7	80952,4	4761,9	1079,4	5841,3	23276,4
9	23276,4	7139,7	76190,5	4761,9	1015,9	5777,8	24638,3
10	24638,3	7139,7	71428,6	4761,9	952,4	5714,3	26063,8
11	26063,8	7139,7	66666,7	4761,9	888,9	5650,8	27552,7
12	27552,7	7139,7	61904,8	4761,9	825,4	5587,3	29105,1
13	29105,1	7139,7	57142,9	4761,9	761,9	5523,8	30721,0
14	30721,0	7139,7	52381,0	4761,9	698,4	5460,3	32400,4
15	32400,4	7139,7	47619,1	4761,9	634,9	5396,8	34143,3
16	34143,3	7139,7	42857,2	4761,9	571,4	5333,3	35949,6
17	35949,6	7139,7	38095,3	4761,9	507,9	5269,8	37819,5
18	37819,5	7139,7	33333,4	4761,9	444,4	5206,3	39752,9
19	39752,9	7139,7	28571,5	4761,9	381,0	5142,9	41749,7
20	41749,7	7139,7	23809,6	4761,9	317,5	5079,4	43810,1
21	43810,1	7139,7	19047,7	4761,9	254,0	5015,9	45933,9
22	45933,9	7139,7	14285,8	4761,9	190,5	4952,4	48121,2
23	48121,2	7139,7	9523,9	4761,9	127,0	4888,9	50372,1
24	50372,1	7139,7	4762,0	4762,0	63,5	4825,5	52686,3